

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 20-avgust, chorshanba № 65 (15807)

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК – СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

ПЕКИН. 19 август. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 19 август куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик юксак даражага кўтарилди. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига, Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий та-

раққиётига, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар, аввало, Ислам Каримов ва Си Цзиньпин ўртасидаги дўстлик, мустақкам ишонч негизда, шунингдек, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги

шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация руҳида тараққий этмоқда.

Бу икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтаришнинг янги имкониятларини очиш ва ишга солиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг барча соҳалардаги салоҳиятини тўла юзага чиқариш борасида фикр алмашиб келаётганида ҳам

яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ сармоявий лойиҳани амалга оширишга қаратилган умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзоланган эди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойидаги Ўзбекистонга ташрифи доирасида яна 15 миллиард долларлик лойиҳаларни кўзда тутувчи 31 ҳужжат имзоланди.

Ислам Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммити доирасида Шанхай шаҳрида ҳам учрашдилар.

Бу галги ташрифнинг асосий воқеалари 19 август куни бўлиб ўтди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Оптик алоқа воситалари, автоматик очилиб-ёпилувчи эшиклар, масофадан бошқарилувчи қурилмалар, электрон ҳисоблагич ва ўлчагич ускуналари. Булар ўртасида қандай боғлиқлик бор? Фотодатчиклар. Ушбу митти қурилмалар инсон кўзига кўринмас инфрақизил нурлар таъсирида ишлайди. Самараси юқори бўлгани сабабли улардан кўплаб замонавий асбоб ва техник жиҳозларни ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

Istiqlol farzandlari

Ўзбекистонлик ёш олим — беш ихтиро муаллифи



«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти яримўтказгичли датчиклар лабораториясида фотодатчикларнинг янги тури яратилди. Электроника ва бошқа бир қатор саноат тармоқлари учун беқиёс аҳамият касб этувчи мазкур тадқиқот лабораториянинг катта илмий ходими Ойбек Абдулхаев томонидан давлат гранти доирасида олиб борилган.

— Фотодатчиклар юртимизга четдан келтирилади, — дейди ёш олим. — Аксарияти кўрғошин ва симоб бирикмалари ёки индий арсениди материали асосида тайёрланмоқда. Биз илк мартаба кремнийдан фойдаландик. Бу материал юртимизда ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, анча арзон. Фотодатчикларимизнинг бошқа устун жиҳатлари ҳам бор. Масалан, улар хона ҳароратида ишлашга мослашган. Ваҳоланки, унинг хорижий аналоглари фақат совутиш тизими асосида ишлайди. Янги турдаги фотодатчикларни «Фотон» заводида амалдаги технологиялар асосида ишлаб чиқариш мумкин.

(Давоми 4-саҳифада)

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК – СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Шундан сўнг Ислон Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ислон Каримов Ўзбекистон томони Хитой раҳбарияти билан ҳар бир учрашувни юксак қадрлашини, бугунги музокаралар олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Си Цзиньпин Ўзбекистонни Хитойнинг ишончли шериги деб билишини, икки томонлама ҳамкорлик узоқ муддатлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланаётганини қайд этди.

Томонлар ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

ШХТ доирасидаги муносабатлар, ушбу тузилмани ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар ўзаро муносабатларнинг муҳим бўғини эканини инobatга олган ҳолда, ишбилармонларнинг бевоқиф мулоқотларини янада фаоллаштириш, савдо ва инвестицияга оид кўрсаткичларни юксалтириш, энергетика, ноҳомашё, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ислон Каримов ва Си Цзиньпин музокарани Ўзбекистон ва Хитой расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз эса дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсон ҳаётининг

эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада ана шундай узоқ тарихга эга иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ҳозирги замон руҳи ва талаблари асосида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири эканини қайд этиш жоиз. Хусусан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 482 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг етмишдан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 74 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Хитой Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт суръатларини юксак баҳолашини ҳамда юртимизда иқтисодий янги юқори технологияли тармоқларини яратиш ва ривожлантиришга, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини билдирмоқда.

Олий даражадаги келишувларга биноан, 2013 йилда «Жиззах» махсус индустриал зонаси шаклида Ўзбекистон-Хитой юқори технологиялар саноат парки ташкил этилди. Бу ерда мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда «Жиззах» махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри сармояси иштирокида ўн бешдан ортиқ кўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳамкорликнинг кўламини нақадар кенг эканини ёқилғи-энергетика мажмуи ҳам яққол намойиш этади. Хитойнинг қатор компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород

конларини топиш ва ўзлаштириш, балки Муборак газкимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда. Икки мамлакат ҳам Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи «Марказий Осиё — Хитой» газ қувурини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа, деб билади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлайди. Мазкур йўналиш 124 километрлик электрлаштирилган Ангрен — Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. 2013 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ўртасида Қамчиқ довонидан туннел орқали ўтадиган «Ангрен — Поп» темир йўл линиясини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳа 19 километрлик темир йўл туннели қуришни кўзда тутди. Айни пайтда линиянинг 60 километрдан кўпроқ қисми қуриб битказилган.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Давлат тараққиёт банки ва ЭКСИМБАНКИ сингари молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан ошади. Улар соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларига йўналтирилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2003 йилда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган VI жаҳон ҳайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниатюрачи Камолитдин Беҳзод ҳайкали очилди.

Ўзаро маданий-гуманитар муносабатларни мустаҳкамлашда «Ўзбекистон — Хитой» ва «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жа-

миятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институтида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. 2013 йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида «Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари» бадиий кўргазмаси ташкил этилди.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Хитойда ўтадиган барча йирик маданий тадбирларнинг доимий иштирокчиларидир. Хусусан, Хитой санъаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқда.

Таълим соҳасида ҳукуматлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашиш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтда ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида ХХР ҳукумати 2013-2014 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетида етмишга яқин ўзбекистонлик талаба таҳсил олмақда.

Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ўтган йили имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига хитойлик сайёҳларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақомини бериш жа-

раёни бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти «China Outbound Travel & Tourism Market-2013» (апрель, Пекин) ҳамда «WTF — 2013» (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Навоий ва Чжучжоу шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Хунан провинцияси, Самарқанд вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Музокаралар якунида Ислон Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида техникавий-иқтисодий, энергетика, юқори технологиялар, банк-молия каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислон Каримов ва Си Цзиньпин бўлиб ўтган музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган масалалар бўйича томонларнинг ёндашув ва қарашлари ўхшаш ва яқинлигини таъкидладилар. Эришилган келишувлар Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Томонлар ушбу ташриф Ўзбекистон-Хитой муносабатлари тарихидан яна бир муҳим босқич сифатида жой олишини таъкидлар экан, олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодий, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга тайёр эканини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Yurt nafasi



Bolalar sporti

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган теннис, кураш, бокс, мини-футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, баддий гимнастика, таэквондо тўғаракларида 600 дан ортиқ ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАСКАНИ

Бу ерда ўзи қизиққан спорт тури бўйича етарлича маҳоратга эга бўлиш учун барча шароитлар яратилган. Янги спорт зали ва очик теннис корти замонавий инвентарлар билан жиҳозланган. Мактаб ўқувчилари орасида мамлакат микросидаги мусобақаларда муваффақиятга эришган умидли спортчилар кўп.

СУРАТДА: (ўнгдан) ўқувчилар Сарвиноз Собирбоева, Тозагул Абдужабборова ва Дилноза Райимбоева.

ЎЗА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат.

Махсус тавсияномалар

Косонсой туманидаги «Соҳил» оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Тарбия ва спорт-соғломлаштириш» оромгоҳи лойиҳаси ташкил этилди.

Мазкур оромгоҳга ички ишлар бўлимининг профилактик ҳисобида турадиган вояга етмаганлар жалб этилган. Олти кунлик оромгоҳ дастуридан ўрин олган турли маданий тадбирлар, мини-сессиялар, семинар-тренинглари, спорт мусобақалари ҳамда турли кўриктанловлар иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, тиббий маданиятини оширибгина қолмай, ўз иқтидорларини намоён этишга ҳам кўмаклашади.

Оромгоҳда «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида иш олиб борилаёпти. Яъни ИИБ профилактик ҳисобида турадиган ўсмирларнинг яхши натижаларга эришишларига кўмаклашиш, бу борада уларга ўрнак бўлиш учун вилоятнинг иқтидорли ёшлари ҳам жалб этилган.

Лойиҳа якунида ИИБ профилактик ҳисобида турадиган болаларни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати махсус тавсияномалари асосида профилактик ҳисобдан чиқариш кўзда тутилган.

Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,
Наманган вилояти

Миллий кино санъати кунлари

Сирдарё вилоятида Ўзбек миллий кино санъати кунлари ўтказилди. Унда театр ва кино актёрлари иштирокида мулоқотлар уюштирилди, янги фильмлар намойиш этилди.

Сирдарё вилоят ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги вилоят ҳудудий бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари, таниқли режиссёр ва актёрлар иштирок этди.

Учрашувларда халқимизнинг сеvimли санъаткорлари ёшларни мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан муборакбод этиб, ўзларининг ҳаёти ва ижодига доир қизиқарли воқеалардан сўзлаб берди.

Элёр ЖўРАЕВ,
Сирдарё вилояти

Экологик экспертизанинг аҳамияти

Навоий вилоятида «Экологик экспертиза: янги босқич» мавзуида Республика минтақавий семинари бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган семинарда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятлари табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассислари, экологик лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар ва йирик саҳноат корхоналарининг вакиллари иштирок этди.

Семинарда Давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлар самарасини кучайтириш, экологияга оид меъёрлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларни амалиётга изчил татбиқ этиш, бугунги кунда атроф-муҳитга таъсир кўрсатаётган объектларни давлат экологик экспертизасига жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий семинар соҳа мутахассисларининг янги қурилаётган биноларнинг экологик ҳолати бўйича ўзаро тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этди.

Отабек АСЛОҢОВ,
Навоий вилояти

Ёш дастурчилар «уйи»

Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида «Ёш дастурчилар» маркази ишга тушади. Унда талабалар дастурий маҳсулотларни яратиш, давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик веб-сайтларини такомиллаштириш, ахборот-технологиялар соҳасидаги янгиликларни жорий этишга доир лойиҳаларни амалга оширишади. Айти вақтда марказда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Тарғиботга ёшлар ораол

Қашқадарё вилоятида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Ватан келажиги сенинг кўлингда!» тарғибот ойлиги давом этяпти. Ойлик доирасида вилоятдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талабалар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларга, асосан, қишлоқ ёшлари, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари қамраб олиняпти. Ҳозирга қадар тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Қарши, Касби, Миришкор, Нишон, Муборак туманларида бўлишди. Аҳоли билан учрашувларда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарининг мазмун-моҳияти, «Мустақиллик — энг улугъ неъмат», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!», «Тинчлик — мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асоси» мавзуларида суҳбатлар ўтказилди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи кўшиқлар тадбирларга ўзгача завқ бағишламоқда.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

Jarayon

Нақдсиз пул муомаласи — иқтисодий тараққиёт зарови

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Марказий банки мамлакатимизда пул муомаласини такомиллаштириш ва банк пластик карталаридан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Банк тизимига электрон ахборот технологияларининг кириб келиши соҳадаги серҳаражат ишларни янги ташкил этиш, такомиллаштиришга шароит яратди. Натижада миллий иқтисодиётимизда электрон пуллар жорий этилиб, ундан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаси пул муомала-

сида нақдсиз тўловлар улушининг ортиб бориши иқтисодиёт учун фойдали эканини кўрсатмоқда.

Банк пластик карталари фойдаланувчига ҳам, уни муомалага чиқарган банкка ҳам қатор қулайликлар яратди. Пластик карта эгалари ундан универсал тўлов воситаси сифатида фойдаланмоқда. Бу эса йирик микдорда нақд пул олиб

юришдан халос қилиб, вақтни тежаш имконини берди.

— Бугунги кунда республикаимиз бўйича 12,4 миллиондан ортиқ пластик карта муомалага чиқарилган, — дейди анжуман катнашчиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул муомаласи департаменти директор ўринбосари Назиржон Сафаров. — Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига 149 мингдан зиёд тўлов терминаллари ўрнатилди.

Тадбирда ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Умида ИСМОИЛОВА,
«Turkiston» мухбири

Ўзбекистонлик ёш олим — беш ихтиро муаллифи

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Мазкур корхонанинг буюртмасига кўра, ихтирочи бошқа бир йирик илмий лойиҳани ҳам амалга оширмоқда. У ус-този, физика-математика фанлари доктори Абдулазиз Каримов билан бирга яримўтказгичли асбобларга термик ва электроимпульсли ишлов бериш усулини яратишга муваффақ бўлди. Янги технология маҳсулотнинг ярқли чиқиш миқдорини ошириш имконини беради. Бунда ярқсиз маҳсулот қайта ишланиб, сифат талаблари даражасига етказилади. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади. Ихтирога муаллифлик патенти олинган.

Ойбек Абдулхаев ҳақиқий новатор. У нақ бешта ихтиро муаллифи. Шулардан бири юқори қувватга дош берувчи кучланиш чеклагичлари билан боғлиқ.

— Кучланиш чеклагичи барча турдаги электроника маҳсулотлари: шахсий ва портатив компьютерлар, аудио ва видео мосламаларга ўрнатилиб, уларни ортқча кучланишдан ҳимоя қилади, — деб тушунтиради ёш ихтирочи. — Зеро, ҳатто танамизда йиғиладиган электростатик зарядлар импульслари ҳам компьютер учун зарарли қувват манбаидир. Улар оддий флешка орқали қурилмага ўтиши мумкин. Бундай «мулоқот» қанчалик узоқ давом этса, техниканинг ишдан чиқиш эҳтимоли шунчалик ортади. Амалдаги кучланиш чеклагичларининг асосий камчилиги шундаки, улар



юқори кучланишга мўжалланган бўлиб, кичик кучланишда ишловчи қурилмаларнинг хавфсизлигини таъминлашда самарадорлиги жуда паст. Биз электр қурилмаларига кўчкисимон тешилиш механизми ўрнига тўсиқлари қисқа туташувли тешилиш механизми асосида ишловчи икки тўсиқли структураларни ўрнатишни тақлиф қилдик. Шунинг ҳисобига кучланиш чеклагичлари дош бера оладиган қувватнинг максимал меъёрини камида ўн бараварга ошириш мумкин.

Яримўтказгичли датчиклар лабораториясида кўп тўсиқли структуралар

учун яримўтказгич материаллари асосида сатҳи юқори даражада текис бўлган юпқа эпитаксиал қатламларни ўстиришнинг янги технологияси ҳам яратилган. Таъкидлаш керак, бундай структуралар янги турдаги кучланиш чеклагичлари ва фотодатчиклар ишлаб чиқаришда қўл келади.

Ҳозирги кунда Ойбек Абдулхаев илмий изланишлари доирасини янада кенгайтириб, қўшни тўсиқлари туташган кўп тўсиқли структураларда ток ташиш механизмларини ўрганишга бағишланган докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Унинг ўз тадқиқот-

лари юзасидан ўттиздан зиёд илмий мақола ва тезислари чоп этилган.

2012 йилда қаҳраонимиз Жанубий Кореянинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш корпорацияси томонидан Сеул шаҳрида ташкил этилган лойиҳада қатнашиб, фотодатчикларнинг янги турлари ва уларнинг турли қурилмаларда қўлланилиш имкониятлари билан танишиб қайтди. Жорий йилда эса Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида ёш физик ва биологларнинг минтақавий анжуманида ўз маърузаси билан иштирок этди.

Илм бобида ҳавас қилса арзигулик ютуқларни қўлга киритган Ойбек мактабда физикани яхши ўқиди. Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейга ўқишга киргач, аниқ фанларга янада кўпроқ қизиқа бошлади. Кейин шу университетнинг электроника ва автоматика факультетида таълим олди. Талабаликда Фанлар академияси тизимидаги бир қатор илмий-тадқиқот институтларида ўқув амалиётларини ўтади.

Ойбек Абдулхаевнинг жиддий қиёфаси ортида аслида оптимист ва хушчақчақ инсон яширинган. У ўзига ишонади ва ҳар ишда фаол. Масалан, ҳозир илмий фаолиятдан ташқари институтдаги ёш олимлар кенгашини бошқармоқда. Шунингдек, Фанлар академияси ёш олимлар кенгашининг физика ва техника йўналиши координаторидир. Бўш вақтида шахмат ўйнайди, расм чизади.

— Илм чўққисига етиш осон эмас. Аммо мен ана шу машаққатли йўлни танлаганимдан сира афсусланмайман. Чунки азми қатъий инсон ҳар қандай баланд маррани забт эта олади. Келгусида Ўзбекистонимиз ривожини учун яна кўплаб фойдали кашфиётлар қилиш ниятим бор.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири.

Рустам Назарматов олган сурат.

«ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ» ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ТААССУРОТЛАРИ

Латофат Тожибоева

**Навоий номидаги давлат
стипендияси ва «Камолот»
стипендияси соҳиби:**

— Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги 61-мактабни, сўнг Беруний қурилиш-транспорт касб-хунар коллежини битириб, Нукус давлат педагогика институтининг филология факультети ўзбек тили ва адабиёти йўналишида давлат гранти асосида таълим олдим. Менга барча шароитларни яратиб берган ота-онам, кенг имкониятларни муҳайё қилган Ватаним олдидаги қарзларимни яхши ўқиш, пухта билим эгаллаш билан узишга ҳаракат қилаяпман. Талабалигимда, жумладан, 2011-2012 ўқув йилида «Камолот» стипендияси, 2012-2013 ўқув йилида Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлдим. Шеърлар машқ қиламан. 2008 йилда «Хурлик мезони» номли илк тўпламим, ўтган йили «Орзу ҳамроҳ» номли иккинчи китобим нашр этилди.

Уйга қайтдим-у, яқинларимга, таниш-билишларга «Истиклол фарзандлари» ёшлар фестивалидан олган таассуротларимни сўзлаб адо қилолмаяпман. Бу каби фестиваллар биз, Ўзбекистон ёшларини нафақат бирлаштиради, шу билан бирга ягона мақсад йўлида ҳаракат қилишга ундайди. Мен юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган истеъдодли тенгдошларимни кўриб, ҳавас қилдим. Ҳаракат қилган, интилган, ўз устида ишлашдан тўхтамаган инсон албатта мақсадига эришишини яна бир бор англадим.

Азиза Аҳмадова

**«Юрт келажиги — 2013»
республика иқтидорли ёшлар
кўрик-танлови ғолиби:**



— Жиззах давлат педагогика институтида ўқиб, бугунги кунда Жиззах телевидениесида ишлаяпман. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, тенгдошларим эришаётган ютуқлар ҳақида кўрсатув ва лавҳалар тайёрлаб, эфирга узатаёпмиз.

Фестивалда иштирок этиб, кўрсатувларимнинг жуда кўп бўлажак қаҳраонларини учратдим. Масалан, Нурота ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқувчиси Гулжаҳон Исомовани кўплаб тенгдошларимизга намуна қилиб кўрсатсак бўлади. У оддий каштадўз-хунарманд, лекин ана шу хунарини жаҳонга олиб чиқаяпти. Негаки, Гулжаҳон каштачиликка янгича ёндашган, қадимий-анъанавий каштадўзликни замонавий дизайн билан уйғунлаштирган. Маҳсулотларимизни чет

элликлар қишлоғимизга келиб харид қилиб кетаяпти, деди у. Хунарманд қизнинг фаолияти эътиборсиз қолмади. У бу йил «Менинг бизнес гоям» танловига каштачиликни ривожлантиришга оид бизнес лойиҳаси билан қатнашиб, йигирма миллион сўмлик имтиёзли кредит соҳиби бўлди. Мана энди у тадбиркорлик билан шуғулланиб, тенгдошларини иш билан таъминляпти.

Yuksak ma'naviyat — engilmas kuch

Янги маърифат масканлари

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида янги
кутубхона ва «Ижод» китоб дўкони очилди.**

Мазкур маърифат масканларининг очилишига бағишланган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида миллий адабиётимизни раванқ топтириш, ижод аҳлини бадиий жиҳатдан мукамал асарлар яратишга илҳомлантириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда ёшларнинг китобга бўлган қизиқшини кучайтириш, мутолаа маданиятини ошириш, адабиёт фидойиларининг энг сара асарларини кенг жамоатчиликка тарғиб этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўқувчи-ёшларнинг миллий адабиётимизга бўлган илҳосини орттириш мақсадида туркум ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, адабиёт кунларини мунтазам тарзда ўтказиб келмоқда.

Уюшма қошида ташкил этил-

ган кутубхона қарийб ўн мингга яқин китоб фондига эга бўлиб, бу ерда юртимиз нашриётларида чоп этилган сиёсий, бадиий, ўқув ва юридик адабиётлар, энциклопедия ва луғатлар, босма матбуот нашрлари билан танишиш имконияти мавжуд. Бу маънавий хазинадан ижод аҳли билан бирга ўқитувчилар, олий ва ўрта махсус, умумтаълим даргоҳлари талаба-ўқувчилари, умуман, адабиёт мухлислари фойдаланиши мумкин. Кутубхонада янги асарларнинг тақдимоти, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, ижодий мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этилиши, китоблар фондиди доимий бойитиб ва кенгайтириб бориш кўзда тутилган.

«Ижод» китоб дўконининг ўзига хослиги бу ерда нашриётлардан тўғридан-тўғри янги нашрлар келтирилиши йўлга қўйилган. Зиё масканида Президентимиз асарлари, тарихий мавзудаги китоблар, бадиий, публицистик, болалар, хориз адабиётдан намуналар китобхоналар эътиборига ҳавола этилган.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



ҒалВир суВдан кўтарилганда

Абитуриентлар ҳаяжон билан тест синовларининг натижалари илган доска томон ошиқди.

Килингдир қўвончи ичига сиғмайди, айримларнинг кўзида ёш. Ахир, талабалик инсон ҳаётининг энг муҳим босқичи, уни бежиз олтин қавр, қемайдилар. Шуниси аёнки, пўхта билигини кишини ана шундай масъулиятли макрмига мўяссаф этади.

Кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинган кўни тенгдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

«ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ» ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ТААССУРОТЛАРИ

Баҳром Саидов

Ёш тадбиркор (Бухоро вилояти):



— Ўтган йили «Ёш тадбиркор — юртга мадакор» республика танловида ғолиб бўлиб, банкдан олган имтиёзли кредит эвазига Қорақўл туманида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этдим. Олти нафар тенгдошимни доимий иш билан таъминладим. Шунингдек, мен кураш ва дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиоиман. «Истиқлол фарзандлари» фестивали доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шу кунларда «Ватанимга муҳаббатим изҳори» деб номланувчи янги бир лойиҳани амалга оширяпти. Фурсатдан фой-

даланиб, мен Ватанимга муҳаббатимни ўзим битган шеърий мисралар орқали изҳор этмоқчи эдим:

*Кимларда бор қандай иқтидор,
Ким — спортчи, кимдир — ижодкор.
Яна кимдир доно тадбиркор,
Сина ўзинг, имконият бор.
Эй дўстларим, юрмайлик бекор,
Бизга ахир, чет эл не даркор?!
Қаранг, юртда қанча имкон бор,
Юртбошимиз бизга мадакор.
Фарзандларим, олға бос, дея
Келажакка қурди пойдевор.
Келинг, ёшлар, бўламиз ҳамкор,
Бирлашганга омад бўлур ёр.
Кашфиётлар қиламиз бирга,
Билим билмас ҳеч қандай меъёр.*

Фестивалга келган шижоатли ёшларнинг кўзидаги олов менга янада куч, илҳом бағишлади. Ахир, биз жуда катта кучмиз. Олдимизда ҳар соҳада имкониятлар эшиги очик. Масалан, мен кўпдан бери тадбиркорлик билан шуғулланишни ниёт қилардим. Яхшиямки, «Камолот»нинг ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари бор. Ўзимга бўлган ишонч кўзлаган мақсадга эришимизга ёрдам берди.

Маҳбуба Шодиёрова

«Ёш тадбиркор — юртга мадакор»,
«Менинг бизнес гоям» танловлари ғолиби:

— Айни кунда Ҳаракатнинг Самарқанд вилояти кенгаши қошидаги «Ёшлар туризм маркази» раҳбари сифатида фаолият юритяпман. Биз буюк юрт фарзандларимиз, буюк аждодларнинг ворисимиз. Ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий, илмий ва маданий меросни ўрганар эканман, буни ҳар гал ич-ичимдан ҳис қиламан. Пойтахтимизда бунёд этилган кўплаб замонавий иншоотлар — Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Симпозиумлар саройи, Турин потитехника ҳамда Халқаро Вестминстер университетлари филиаллари билан танишиб, ёшларини доимо ардоқлаб, эътибор марказида тутган шундай гўзал диёрда яшаётганимдан чексиз фахрландим. Фестиваль давомида таълим, спорт ва маданият, санъат ва илм-фан бобида пешқадам бўлган, ақлу заковати билан жаҳонни лол қолдираётган қанчадан-қанча ёшлар билан танишдим. Биз, фаол ва ташаббускор, иқтидорли ва ғайратли, муҳими, она Ватан учун ёниб яшайдиган ёшлар доимо бирлашиб, катта бунёдкор кучга айланишга аҳд қилдик.

«Истиқлол фарзандлари» фестивалининг гала-концерти менда унутилмас таассурот қолдирди. «Туркiston» саройида ўша кунги шуқу, кўтаринкилик, ёшларнинг юз-кўзидаги севиноч, шуқроналик, ўйлайманки, ҳаммамизнинг хотирамизда умрбод сақланиб қолса керак.



Шаҳноза ШАМСИТДИНОВА:

— Тил билган эл билади, деган нақлга амал қилиб, болалигимдан инглиз тилини қунт билан ўргандим. Она тилига меҳр қўйиб, уни яхши билган кишининг чет тилини ўзлаштириши янада осон кечади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида бундан олдин икки марта хужжат топширган эдим. Афсуски, имтиҳондан «йиқилдим». Мана, учинчи йили омад кулиб боқди. 182,3 балл тўплаб ушбу университетнинг инглиз филологияси факультетида ўқишга кирдим. Узоқ вақт давомида инглиз тили, она тили ва адабиёт, тарих фанларини мунтазам ўқиб-ўрганганим учун тестларни ечиш менга у қадар қийин бўлмади. Такрорлаш — билимнинг онаси. Шунга амин бўлдимки, мактаб давридан оқ ҳар дақиқадан унумли фойдаланган, вақтни бекор ўтказмаган абитуриент, албатта, муродига етади.

Ражаббек АБРОРБЕКОВ:

— Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг нефть-газ факультетида хужжат топширган эдим. Ўқишга киролмадим. Имтиҳон натижалари эълон қилинганда, ҳаммаси тамом бўлгандек туюлди. Лекин отамнинг, марднинг мардлиги бошига иш тушганда билинади, деган гапи ҳаёлимга келди. Ўйлаб қарасам, бу йил талаба бўлолмаганимда биров айбдор эмас...

Бугунги натижам мени яна ҳам кучли, иродали бўлишга ундаяпти. Насиб қилса, ҳозирдан оқ кейинги йилнинг тадоригини кўраман. Шу институтга, албатта, кирман.

Гулшат УТЕПБЕРГЕНОВА:

— Икки йил такрорлаган хатоларим бу йил мен учун катта сабоқ бўлди. Имтиҳонга ўз билимимга қатъий ишонч билан кирдим. Балки бировга эриш туюлар, лекин менда сирли қурол бор эди. Иккинчи мартаба имтиҳондан йиқилганимда ўзимга нисбатан ишончимни бутунлай йўқотгандим. Ҳатто ота-онам: «Қизим, балки етар, турмушга чиқиб, оиланинг бекаси бўл, коллежда эгаллаган хунаринг ҳам етади», деди. Бу уларнинг ишончини оқлай олганимнинг белгиси эди. Сўнги умидим сўнаётганида устозим уч қоғозга катта-катта қилиб ёзилган сўзларни дарс столим қаршисида осиб қўйишни айтдилар. Уларда «Сен рақобатга бардош бера оласан. Оғир меҳнат ортидан ширин роҳат келади. Таслим бўлиш мақсадга бир қадам қолганда ортга қайтиб кетиш демакдир» деган гаплар ёзилган эди. Устозимнинг ишончи менга катта куч берди. Мана бу йил юқори балл тўплаб, Қорақалпоқ давлат университети-га грант асосида қабул қилиндим. Ўзим учун ҳаётнинг янги сирини кашф этдим: инсон ўз кучига ишониб яшаши, ҳеч қачон таслим бўлмаслиги лозим экан.

Ферузбек Арипов:

— Икки йил аввал Миробод саноат касб-хунаро коллежини тамомлаб, халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида кириш учун етарли балл тўплалмадим. Аммо мен ўз мақсадимдан қайтмадим. Ҳаммасини қайта бошладим. Бу сафар, албатта, омадим келишига ишондим. Шундай бўлди ҳам. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олганим боис, имтиёз асосида ўқишга кирдим. Фақат ўз билимимга таяндим. Энди мен Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультети талабасиман. Орзуим рўёбга чиқди. Биз, ёшларни қўллаб-қувватлайдиган, таълим олиб, етук мутахассис бўлиб етишимиз учун яратилган барча шароитлардан миннатдорман.

Vatanimiz mustaqilligining 23 yilligi oldidan

Фуқаролик жамияти раВнақи йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори Абдигалил Тўраев ЎЗА мухбирига нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётида тутган ўрни, уларни қўллаб-қувватлашга оид эзгу саъй-ҳаракатлар ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди.

— Истиклол йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, унинг тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ривожланишига ва чинакам мустақиллигини таъминлашга, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган энг юксак демократик ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган мустақкам ҳуқуқий база яратилди, — дейди А.Тўраев. — Жумладан, Конституциямизда аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар тармоқларининг фаолиятига доир асосий тамойиллар мустақкамлаб кўйилди. Жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий онги ва дунёқараши ошиб бораётган жараёнда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлари, давлатимиз раҳбарининг фармонлари, қарорлари ва бошқа қатор ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мустақкам меъёрий-ҳуқуқий асос фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаолиятини кучайтиришда, уларнинг жамият ҳаётининг турли жабҳаларида изчил фаолият олиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган даврда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришининг институционал базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органи ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутат-

лар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссияси ташкил қилинди.

Мазкур комиссиянинг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошқора, аниқ йўналтирилган ва, энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустақкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунга қадар Парламент комиссияси қарорлари ҳамда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг энг яхши ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш учун 37,7 миллиард сўм миқдориди маблағлар ажратилди. 2008-2014 йиллар давомида давлат бюджетидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳалари учун ажратилган маблағлар миқдори 2,7 баробарга, қўллаб-қувватланган лойиҳа ва дастурлар сони 2,8 баробарга ошди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш соҳасида кўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омили сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари ролининг эътироф этилиши жамоат ташкилотлари фаолиятининг кенгайишида янги босқични бошлаб берди.

Концепцияга мувофиқ «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун юборилди. Ушбу ҳужжат ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро шериклигини янада кучайтиришнинг мантикий давоми бўлади.

— **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг**

бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарорига мувофиқ Жамоат фонди ҳамда Парламент комиссиясининг ташкил этилиши фуқаролик жамияти ривожидида муҳим қадам бўлди. Ушбу комиссия фаолиятининг устувор йўналишлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Жаҳон амалиётидан фарқли равишда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг аҳамиятини кучайтириш, амалдаги мустақиллигини таъминлаш, молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг демократик принципларга асосланган миллий тизими яратилди.

Мазкур тизим фаолиятининг муҳим йўналишлари нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажмларини белгилаш, ушбу маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш мониторингини амалга оширишдан иборат.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар ҳажминини белгилаш бевосита Парламент комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш жараёнида ва муддатларида Олий Мажлис томонидан амалга оширилмоқда.

Маблағлар нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тақлим этилган ва муайян ҳудудларнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқаролар ижтимоий фаолиятини оширишга ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техник базасини мустақкамлашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурлари ўндан ортиқ мавзуларда олтмишдан ортиқ йўналишда қўллаб-қувватланмоқда. Бу кўмак мамлакат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ўттиздан ортиқ дастурларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этишини таъминламоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга кенг жалб қилинмоқда.

Парламент комиссиясининг яна бир муҳим вазифаси —

Фонд маблағларини тақсимлашда очиқ-ошқораликни таъминлашдан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ўтказилаётган кенг кўламли ислохотларда, демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга кенг жамоатчиликни жалб этишдан иборат.

Комиссия давлат органлари билан ҳамкорликда марказда ва жойларда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ННТ фаоллари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ўртасида тизимли равишда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, учрашувлар, амалий машғулотлар, матбуот анжуманлари, реал вақт режимида видео (онлайн) конференциялар шаклида ахборот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Натижада 2008-2014 йилларда давлат грантлари шаклида ажратилган маблағлар миқдори 10 баробарга, жумладан, сўнгги уч йилда 2 баробарга кўпайди. Давлат тузилмаларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмаси шаклида ажратилган маблағлар миқдори 2,4 баробарга ошди.

Қўллаб-қувватланган лойиҳалар самарасида халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий, тиббий, экологик маданиятини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, баркамол авлод ва комил инсонни тарбиялаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, ёшлар ва аёлларнинг турли соҳаларда тадбиркорлигини рағбатлантириш каби ўнлаб илғор ташаббуслар кенг қулоч ёйди.

— **Комиссия томонидан муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни танлаш ва баҳолашда холислик ва адолат тамойилларига амал қилиш муҳим. Мазкур тамойилларни амалиётга жорий этишга доир ижобий натижалар қайси соҳаларда кўпроқ намоён бўлмоқда?**

— Мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид яратилган миллий тизимда энг юксак демократик талаблар — очиқлик, ошқоралик, шаффофлик, лойиҳаларни холис танлаш ва адолатли баҳолашга катта эътибор қаратилган. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг ютуғи ҳам шунда.

Парламент комиссияси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан, давлат бошқаруви ва ижро органлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан ташкил толган. Комиссия аъзолари — Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари — бевосита Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталари аъзолари-ридр.

Парламент комиссияси аъзолари бўлган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари уюшма ва бирлашмаларининг 9 нафар вакили ҳам лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, Парламент комиссияси таркибига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси вакиллари вакиллари киритилгани ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ҳудудлардаги долзарб аҳамиятга молик аниқ вазифаларни бажаришда давлат органларига кўмакдош бўлишини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Бу жиҳатларни давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган дастурларни амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини қўллаб-қувватлашда кўришимиз мумкин. Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Келажаги буюк соғлом авлод» мавзусида давлат грант танловлари ўтказилди. Ушбу танлов давомида минтақавий нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг жамиятда соғлом оилаларни барпо этиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш ота-оналар билимининг оширишга йўналтирилган 70 га яқин ижтимоий лойиҳаси салкам 1 миллиард сўм миқдориди қўллаб-қувватланди.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижалари ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг аънавий миллий ва халқаро форумлари, «Олтин қалам» Миллий муқофоти учун халқаро танлов, «Ўзбекистон матбуоти» каби қатор фестивал ва бошқа йирик тадбирларда намоён этилмоқда.

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини кўриб чиқиш, қўллаб-қувватлаш ва жойларда амалга ошириш жараёни умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларини таъминлаш, «учинчи сектор» билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг тақлим ва тавсиялари парламент даражасида ҳисобга олиб борилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иқтисодий йилларида кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида бугунги кунда мамлакатимизда жамоат ташкилотлари саккиз ярим мингдан ошди. Шу билан бирга, улар фаолиятида ижобий сифат кўрсаткичлар яққол кўзга ташланмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллиги ортиб бораётганида, фуқароларда шу табаррук юрт келажаги, унинг тақдирини, фарзандлар истиқболни учун дахлдорлик, масъулият ҳиссининг тобора кучаяётганида, жамоатчилик назоратининг изчил тарзда йўлга қўйилаётгани, жамиятимизда демократик кадриятларнинг мустақкам қарор топаётганида, ижтимоий долзарб масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилаётганида яққол намоён бўлмоқда.

**ЎЗА мухбири
Назокат УСМОНОВА
суҳбатлашди.**

«Yurt kelajagi — 2014»

Интеллектуал салоҳият намоёиши

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» болалар дам олиш оромгоҳида «Yurt kelajagi — 2014» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.



УёА фотомуҳбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ омига суратлар

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ўтказилган худудий босқичда жами 55 мингдан зиёд 15–25 ёшли иқтидорли йигит-қиз орасидан сараланиб, ғолиб бўлган 606 нафар қатнашчи гўзал ва навқирон Қарши вокзалида доира жарангию карнай-сур-

най садолари остида тантанали кутиб олинди. Бу шўх созлар навоси, бир томондан кишига кўтаринки кайфият улашган бўлса, иккинчи томондан энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёнаси нақадар яқин эканидан дарак бергандек бўлди.

Сўнгра, ҳамма махсус автобусларга жойлашиб, «Қайдасан, «Лочин?»», дея оромгоҳ сари йўл олди. Салкам уч соат давомида йўл-йўлакка Қарши шаҳри, Ғузор, Қамаша, Яккабоғ туманларида яшовчи меҳмондўст юртдошларимиз билан суҳбат ва учрашувлар, вилоятнинг кенг дашту далалари, қир-адирлар, сўлим табиати манзаралари кишига бир олам завқ бағишлади. Ниҳоят, Шаҳрисабз туманига етиб келган иштирокчиларни «Лочин» оромгоҳи бағрида «Камолот»чилар илиқ кутиб олди.

Бир ҳафта давом этган ушбу танлов доирасида архитектура ва дизайн, либослар дизайни; ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар; анъанавий ва амалий санъат; иқтисодий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда адабиёт ва журналистика йўналишлари бўйича бой тажрибага эга малакали тренер-ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар-тренинг ва маҳорат дарслари иштирокчиларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлади. Архитектура ва либослар дизайни, техник



ишланма ва лойиҳалар, амалий санъат бўйича ижодий ишлардан иборат кўргазма кўпчиликнинг ҳайратига сазовор бўлди ва рутимиздаги ёш авлод интеллектуал салоҳияти наларга қодир эканидан дарак берди. Кўнгилочар дастур ва спорт беллашувлари барчага бирдек завқ улашди. Ёшлар мушоираси эса узоқ давом этди. Андижонлик умидли ижодкор Нурулло Абдушуқоров инжа ва самимий туйғулардан яралган шеърдан тўрт сатр ўқиб берди:

*Бизларга кўрсатдинг «Лочин»ни,
Зўр экан Мироқи тарафлар.
Тоғлар ушлаб турар очунни,
Рақс тушаёттир дарахтлар.*

Биз эса истеъдодли ёшларни ўз бағрига жамлаган ҳамда мувоҳаса майдонига айланган мўъжаз оромгоҳдан кетгимиз келмай, натижаларни интиқлик билан кутдик. Танловнинг якуний босқичида жами 48 нафар ғолиб аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан муносиб тақдирланди.

— Энергетика соҳасида фаолият юритувчи ишчи-ҳодимларнинг ойлик маошини ҳисобловчи дастурий таъминот ишлаб чиқдим, — дейди танловнинг «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар» йўналиши ғолиби, «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» ОАЖ корхонаси дастурчи-муҳандиси Санжар Ғоипов. — Ҳозирда ушбу дастурий таъминот асосида корхонамиздаги жами 300 мингга яқин ҳодимнинг ойлик маоши ҳисоб-китоб қилинмоқда. Бунда ҳам вақтингиз тежаллади, ҳам нақдингиз. Танлов давомида тенгдошларимиз билан фикр алмашиб, ўзаро мунозарага киришдик. Янги дастурий таъминот яратишнинг сир-асрорларини янада пухта ўргандик.

Танловнинг тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

Bolaning begonasi bo'lmaydi

Муқаддас китобларимизда ёзилишича, адашган инсонни тўғри йўлга бошлаш ҳам яхшилиқ. Мурувват — фақат бировга пул ёки мол-дунё эҳсон қилишдан иборат эмас. Бир оғиз ширин сўз, айниқса, боланинг кўнглини тоғдек кўтаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 апрелдаги «Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларда тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларининг ташкил этилгани ёш авлодга давлатимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлигининг намунаси бўлди. Уларга кам таъминланган оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган ёки кексалар қарамоғидаги, ички ишлар идоралари профилактик ҳисобда турадиган болалар жалб этилди. Жумладан, Бухоро вилоятидаги ана шундай оромгоҳларда ИИБ профилактик ҳисобда турадиган 349 нафар ўспирин ҳамда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кексалар қарамоғидаги 171 нафар бола учун турли кўнгилочар

тадбирлар, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ташкил этилди.

Биз вилоят марказидаги «Ўзбек-телеком» очиқ акциядорлик жамияти Бухоро филиалига қарашли «Ёш алоқачи» оромгоҳида бўлиб, у ерда бир ҳафта давомида дам олган ёш юртдошларимиз билан учрашдик.

— Бу ерда эсда қоладиган воқеалар кўп бўлди, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи Аббос Абдуллаев. — Болалар футбол ўйнаётгани, мен майдон четида турганим. Бир пайт тўп тўғри бошимга келиб тегди. Майдондаги болалар мазза қилиб кулиб олди. Аввалига жаҳлим чиқди, тўпни ким тепганини аниқлаб, орани очиқ қилиб олмоқчи бўлдим. Қарасам, мендан бошқа ҳамманинг кайфияти зўр. Ҳатто сал олдинроқ гол уриб, томошабинлардан олқиш эшитган бола менга қараб: «Жўра, бош билан яхши ўйнаркансан, кел, бизнинг командага қўшил, мен чиқиб тураман», деб қолди. Футбол ўйнашга унчалик ҳушим бўлмаса ҳам, унинг гапидан кейин жамоага қўшилдим. Футбол мусобақалари менга жуда ёқиб қолди.

Аббос келажакда футболчи бўлишни орзу қилаётганини айтди. Уни тинглай туриб, мазкур оромгоҳ-

ларнинг яна бир ижобий жиҳатини кашф қиламиз. Улар болалар қалбидаги орзу-ҳавасларни уйғотар экан.

Оромгоҳга жалб этилган болалар қалбида Ватанга муҳаббат, ота-она, устоз ва яқинларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашда Бухоро вилоят «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари ҳам ўз билим ва маҳоратларини аямади. «Камалак»-чилар ўтказган «Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!», «ОИТСсиз келажак сари» лойиҳалари болаларни озодаликка, соғлом турмуш тарзига чорлаган бўлса, «Мен ким бўламан?» мавзуидаги расм чизиш, «Она табиатни асраймиз» гербарийлар ясаш танловлари болаларнинг кўплаб қирраларини намоён этди.

— Бир ҳафта давомида кўпчилик болалар оқшомни кутадиган бўлиб қолди, — дейди оромгоҳда тенгдошлари билан ишлаган вилоят «Камалак» болалар ташкилоти Сардорлар кенгаши раиси Зулфизар Мавлонова. — Негаки, турли мусобақалар давомида бир-бири билан дўстлашиб олган болалар кечки овқатдан сўнг гулхан атрофида йиғиларди. Шарт шундай эдики, бу ерда улар ўзлари ҳақида фақат рост сўзларни айтишлари керак.

Бунгача нима билан шуғуллангани, бугун қайси ишидан афсусда экани, шу пайтгача кимга қандай яхшилиқ қилгани, кимдан раҳмат эшитгани каби саволларимизга улар самимий жавоб берарди.

Бугун оромгоҳда охириг кунимиз, дейилганда баъзи болаларнинг кўзида ёш кўрдим. Сездимки, уларга бу ердаги муҳит ёқибди. Мақсад ҳам уларнинг яхши дам олиб кетишларигина эмас, уларга меҳр улашиш, қалбига қулоқ тутиш эди.


Расм чизишга, муҳандисликка, қурувчиликка ҳавасманд болалар кўп экан. Оромгоҳ баҳона уларнинг орзуларига эш бўла олган бўлсак, мақсадимизга етибмиз.

Ҳафта давомида оромгоҳда Бухоро вилоят вояга етмаганлар ишлари комиссияси, ИИБ, прокуратура вакилларидан ташқари, шоир ва ёзувчилар, спортчи санъаткорлар меҳмон бўлди. Улар билан ўтган учрашувлар болалар хотирасида узоқ сақланиши шубҳасиз.

Тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган тадбирлар якунида 25 нафар ўғил-қиз ИИБ профилактик ҳисобидан чиқарилгани маълум қилинди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» муҳбири

Яхшилиқ



Дилшод Тўлқунов Ҳамза тумани «Баркамол авлод» болалар марказидаги «Ёш архитектор» тўғарагининг энг иқтидорли аъзоларидан. У замонавий уй-жой комплекслари, ноанъанавий меъморий кўринишга эга маъмурий бинолар ва савдо марказларидан иборат ўз ижодий фантазиясини пинопласт, картон, қоғоз ва елим ёрдамида рўёбга чиқаради. Келажакда Дилшод яратган асарлар шахримиз кўркига айланса, ажаб эмас.

Рустам НАЗАРМАТОВ олган сурат

Sport

Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида ўтказиладиган 17-Осиё ўйинларига тайёргарлик кўраётган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси эртага Озарбойжон терма жамоасига қарши майдонга тушади.

МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

Боку шаҳрида бўлиб ўтайдиган ўртоқлик учрашувига бош мураббий Миржалол Қосимов йигирма нафар футболчини жалб қилган.

Эслатиб ўтамиз, ушбу ўйиндан сўнг терма жамоамиз 30 августда Тошкентда йиғилиб, 3 сентябрь куни Иордания ва 8 сентябрда Янги Зеландия терма жамоалари билан бўладиган ўртоқлик учрашувларига ҳозирлик кўради.

Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган иккинчи ўсмирлар ёзги олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муносиб иштирок этмоқда.

ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

19 августгача ўтказилган мусобақаларда 204 мамлакат терма жамоалари орасида фақатгина 45 терма жамоа вақиллари медалларга сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Юртдошларимиз иккита бронза медал билан умумжамоа ҳисобида 35-ўринни эгаллаб турибди. Хитой терма жамоаси тўрт олтин, бир кумуш ва беш бронза медал билан пешқадамлик қилапти.

Элмурод НИШОНОВ тайёрлади.

					Атрофи сув билан ўралган ҳулуа	Комбайн дон идиши		Ифтихор гурур										
Самолёт кўнади ган жой	Бино		Кислородли бирикма	Ўғил бола исми						Номи табиат сузидан олинган фан		Қиммат-баҳо тош					Хароба уй	
	Ўзбек автомоби		Қон сўрувчи ҳашорат			Тинч, сокин		Катта кўза				Ака-...					Тупроқ ва сув қоришмаси	
				Томас (ёзувчи)						Россия валютаси								
	Тетик, бардам						«Голливуд» кино-мукофоти	От зоти	Сувоқ шоколад									
	Бўйи паст, лидипут	Велосипед русуми	... Диод (актриса)		Кўса (образ)				Озгина, пича								Сув йўли	
						Миллий мато	Тўтиқуш тури		Сан (шевада)		Тошкент шевасида дада	«Зил» аждоди					Шуур, идрок	
	Образ «Рамайна», Сита ёри		Бастакор ёзуви		Нарса, буюм					Само, коинот								
			Дурад-гор асбоби					Ўзига хон, ўзига ...					Юк автоси					
	Шевада: ога				Нурли, порлоқ								Соат жаранги					

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Istiqlol ilhomi

Иқболга элтгувчи йўл бердинг, Ватан!

Тупроқдан бўй чўзар мағрур дарахт ҳам,
Қуёшнинг меҳридан гуллайди чаман.
Улғайдим бахт тўла кучоқларингда,
Дилингда тугашган дил бердинг, Ватан!

Сендан ташқарида шараф йўқ, бироқ,
Таянч бўлдинг, юрсам яқини йироқ,
Сенинг кўнглинг опшоқ, манзилинг порлоқ,
Иқболга элтгувчи йўл бердинг, Ватан!

Отамсан деб келдим, онам деб келдим,
Болангман, ҳайқириб болам деб келдим,
Ўзбекистон икки олам деб келдим,
Осмонга етгулик қўл бердинг, Ватан!

Озодлик, ободлик ярашган диёр,
Қўқда қуёш, ой ҳам талашган диёр,
Юксак шонинг билан қутласам тақрор,
Ишончимсан, дея гул бердинг, Ватан!

Бошда тожим, қадрим, гурурим, мардим,
Тугамайди ҳурлик баётим маним,
Борлигинга, баланд қадринга таъзим,
Иқболга элтгулик йўл бердинг, Ватан!

**Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти
совриндори**

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

«Turkiston» савол беради» медиа лойиҳаси ниҳояси-га етмоқда. Лойиҳа доирасидаги якуний учрашув Мустақиллик куни арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси **Баҳодир Фаниев** билан бўлиб ўтади. Сўхбатдошимизга ёшлар масаласига оид саволларингизни savol@turkiston.uz электрон почта манзили ёки **(+99871) 233-79-69** телефон рақами орқали йўллашингиз мумкин. **Қизиқarli савол ва тақлиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.**

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Грузин адиби **Нодар Думбадзенинг «Кукарача» қиссаси қаҳрамонини асар номига қўйилган лақаби билан чақиришади. Айтинг-чи, унинг асл исми ким эди?**

Жавобингизни **22 август соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
«Алпомиш» достонидан, кўнгирут элининг бойлиги таърифланган.
Нишон туманидан **Шаҳзод Абраҳматов** тўғри жавоб йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Бемаврид қилинган ҳар қандай иш кўзга ғалати ва хунук кўринади.

Эзоп